№ 49 сонли

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ (КОНТРАКТ)

7«12»2022 yil. 397-12-180-МТ/2022-son

Кейинги уринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган **«Урганч шахар мактабгача таълим булими»** номидан **Низом** асосида иш кўрувчи бошлиғи **Д.Куваков** бир томондан, кейинги уринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **Кобул ХК** номидан **Устав** асосида иш курувчи рахбар Х.Бекчанов иккинчи томондан «Урганч шахар 10 сон МТТ» биноси жорий таъмирлаш буйича мазкур пудрат шартномасини туздилар.

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кўлланилади;.

**-ижро хужжатлари** – натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиклиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланиладиган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиклангланлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда кабул килиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар;

**-курилиш майдони** – мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб куйилади;

**-вактинчалик иншоотлар** – Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**-беркитиладиган ишлар** – сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**-шартнома нархини бўлиб чикиш** – ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофик **Урганч шахар №10-сон МТТ биносини жорий таъмирлаш** объектида кузда тутилган лойиха бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ.

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, танлов савдоси натижасида аникланган ишлар киймати барча соликлар, йиғимлар, ажратмалар ва пудратчининг бошка харажатларини ўз ичига олган холда жорий нархларда кўшилган

киймат солиғи билан бирга *168 000 000 (Бир юз олтмиш саккиз миллион)* сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:
- курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар киймати Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг курилиши бир йилдан ортик муддатга ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:
-барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;
- курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни таъминлайди;
- курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;
- Буюртмачини субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор килиш;
- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
- курилиш таваккалчиликларини суғурта килиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
- курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;
- курилишда таваккалчилик суғуртаси учун белгиланган суммаға суғурта ташкилотларидан бири билан таваккалчилик суғуртаси тўғрисида шартнома тузади ва суғурта шартномаси билан суғурта полисини бюртмачига такдим килади.
-мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мавжудлигини кафолатлаган ўзининг 20% га тенг бўлган ва унга хизмат кўрсатувчи банк томонидан берилиши кафолатланган 20% айланма маблағларини мазкур шартномада кузда тутилган объект харажатлари учун унумли ишлатиш мажбуриятини олади.

9. Пудратчи объектни фойдаланишга топшириш учун Буюртмачига барча ишлар бажарилганини исботловчи хужжатларни (исполнительная документация) тўлик хажмда такдим килади.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

11. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

- мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврга далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини ун беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятларини олади;

12. Буюртмачи мазкур шартномада кузда тутилган уз мажбуриятларини бажармаса ёки етарли тарзда бажармаса пудратчи олдида тулиқ мулкий жавоб беради.

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

13. Шартнома томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

14. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинган ишларни бажариш жадвалига мувофик ишларни бажаради

15. Қурилиш таъмирлаш ишларини **бажариш муддати 23 календар кунни ташкил этади.**

## VII. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ – КИТОБЛАР

16. Шартнома бўйича ўзаро хисоб-китоблар миллий валюта - «сумда» қилинади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади, бу **50 040 000** ***(Эллик миллион қирқ минг)*** сўмни ташкил этади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун маблағлар буюртмачининг ўз маблағлари хисобидан беш банк кунида молиялаштирилади ва қолган 70 % миқдоридаги тўлов ишларни бажариш жадвали хамда Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузиладиган тўлов графиги асосида амалга оширилади. (1,2-иловалар)

19. Буюртмачи тамонидан жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилиб қабул қилингандан кейин хақиқий бажарилган ишлар қийматидан берилган аванс суммасини пропорционал ушлаб қолган холда молиялаштириш жадвали бўйича амалга оширади.

20. Пудратчининг хисоб рақамига тушадиган маблағлар ушбу объект қурилиши харажатларига, шунингдек таъминотчиларга, объект қурилишига зарур бўлган материаллар, техника ресурслари, мехнатга хақ тўлаш, объект қурилишида иштирок этаётган ёрдамчи ташкилотларга тўлаш учун ва Ушбу объект қурилишининг бошқа харажатларига катъий сарфланади.

21. Пудратчи жорий молиялаштириш учун хисобот ойнинг охирги кунигача ва якуний молиялаштириш учун хисоб китоб учун қурилиш монтаж ишлари миқдори, харажатлари тўғрисидаги «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома хисоб-варақ-фактурани» ўзи тузиб тақдим қилади. Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларининг миқдори, сифати ва харажатларини текшириб қабул қилиб имзолайди.

22. Буюртмачига жорий молиялаштириш ва якуний хисоб-китоб учун, бажарилган қурилиш-монтаж ишларини миқдори, сифати ва харажатлари текширувидан сўнг Пудратчи томонидан тузиладиган ва Буюртмачи томонидан қабул қилиб имзо чекиладиган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисидаги маълумотнома-хисоб-варақ-фактура» асос булади.

23. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк хуқуқини узида саклайди. Объект Буюртмачига топширгунга кадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ.

24. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

25. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хуқуқига эгадир.

26. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни хал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

27. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва иш жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

28. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

29. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у холда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларни зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

## IX. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС МАЖОР) ХОЛАТЛАРИ.

30. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч холатлари амал қилган, шунингдек ушбу холатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

31. Агар енгиб бўлмайдиган куч холатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини мухокама қиладилар.

32. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у холда томонларнинг хар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга хақлидир.

## XI. КАФОЛАТЛАР.

33. Пудратчи:- барча ишларни тўлик хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;
- лойиха хужжатларига хамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;
- узи томонидан қурилиш учун қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида

тутилган ишларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, пения миқдори бажарилмаган иш маблағининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- буюртмачининг хисоб ракамига мақсадли молиялаштириш учун тушган пул маблағларини 5 (беш) банк иш кунида сабабсиз пудратчининг хисоб ракамига ўтказиб бермаса ушлаб турилган сумманинг 0,5% миқдорида пеня тўлайди, пеня миқдори ушлаб турилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- шартномага муофик ишларни бажариш жадвали бўйича бажарилган ишлар хажмини асоссиз равишда кабул килиб тасдиклашдан бош тортгани учун ушбу кабул килиш, тасдиклашдан бош тортган сумманинг 0,5% миқдорида пеня тулайди, пеня миқдори кабул килинмаган ва бажарилган иш сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- шартнома шартларига муофик тайёр холда кабул килиш учун таклим килинган объектни асоссиз равишда кабул килишдан бош тортса шартнома қийматининг 5% миқдорида жарима тулайди;

42. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Пудратчи Буюртмачи олдида куйидаги ҳолларда мулкий жавобгар бўлади ва:

-Ишларни бажариш жадвалида белгилангандан кам хажмда ишларни бажарса, мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмидан хар кечиктирилган кун учун 0.5% миқдорда пеня тўлайди, пеня миқдори бажарилмаган иш сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдорда бажариб тегишли тартибдаги маълумотлар билан хисобот ойининг охирги кунига қадар тасдиклатмаса «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган ишлар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- Ишларни «ишларни бажариш жадвалида» белгиланган миқдордан кам бажарса, бажарилмаган кисмининг 5% миқдорида жарима тўлайди;

- объектни шартномада белгиланган муддатда тайёр ҳолда фойдаланишга топширмаса шартнома қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди;

- Буюртмачи, назоратчи, фойдаланувчи ташкилотлар ва ишчи комиссияси тамонидан аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни белгиланган (ун кундан ортик бўлмаган) муддатда бартараф килмаса ушбу аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди, жарима тўлаш аникланган камчиликлар, нуксонлар ва сифатсиз бажарилган ишларни бажармасликдан озод килмайди.

43. Агарда томонлардан бири ўз реквизитларини шу жумладан юридик ва почта манзилларини, телефон рақамларини, корхона атамаси ёки мақомини нотўғри берса ва ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотни уч календар кунда иккинчи тамонга ёзма хабар бермаса айбдор тамон иккинчи томонга шартнома бахосининг 0,1% миқдорида пения тўлайди, пения миқдори шартнома суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

44. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

45. Томонларнинг мулкий жавобгарликка тортилиб тўлайдиган неустойка, штраф ва пенялари шартнома қийматининг 30% ошмаслиги керак.

46. Томонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга хаклидир.

47. Томонлар мазкур шартнома талабларини бузган тақдирда “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тўгрисида”га Қонуни ва бошқа конун ҳужжатлари асосида жавобгарликка тортилади

48. Томонлар мазкур шартноманинг амал килиш даврида ўз хукуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга карши курашишнинг тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар кандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни катъий кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

- ишларни кабул килиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланган камчиликлар ва нуксонларни ўз вактида бартараф қилишни;

- объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларнинг бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг умумий суммасини 20% миқдорида жарима солиш хуқуқига эга.

## XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

34. Буюртмачи:- шартнома кучга киргандан кейин жорий таъмирлаш бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

- ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

35. Пудратчи:- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан икки ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари умуман бажарилмаганда;

- конун хужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш хукукига эга.

36. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

37. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

38. Шартнома бекор килинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

39. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл қўйилмайди, конун хужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

40. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида» ги конуни ва бошка конун хужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади ва иккинчи тамонга етказилган зарарларни коплайди.

41. Мазкур шартномада кузда тутилган ва тегишли иловаларда кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаган тақдирда Буюртмачи Пудратчи олдида куйидаги ҳолларда жавобгар бўлади ва:

- белгиланган муддатда объектни иш бошлаш учун пудратчига топширмаса далолатнома бўйича бунинг оқибатида ишларни бажариш жадвалида бажариш кузда

эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупсия ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

49. Бир тамоннинг айби билан шартномани бекор қилишга тўғри келса, айбдор тамон иккинчи тамонга барча зарарларни қоплайди, амалдаги қонунларда белгиланган тартибда.

50. Тамонлар неустойка, жарима, пеня каби мулкий талабларини далолатнома асосида тўлов талабномаси бўйича акцептсиз амалга оширишга ҳақлидир.

## XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

51. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда ёки узгартиришда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган барча низоли масалаларни томонлар мухокама билан келишувга эришмасалар, у ҳолда улар конун хужжатларида белгиланган тартибда судга мурожат қилишлари мумкин.

## XV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

52.Ушбу шартноманинг хар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупцияга карши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошка вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги конунчилик ва норматив хужжатларининг Коррупцияга карши тегишли шартлари ва талабларига катъий риоя этиш мажбуриятини олади.

53.Томонлар мазкур шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуклари ва мажбуриятлари билан боғлик равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга карши курашишини тартибга солувчи конун ҳужжатлари нормаларини бузиш мумкин бўлган ҳар кандай хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларни катъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупсия ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

## XVI.АЛОХИДА ШАРТЛАР

54. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

55. Пудратчи курилиш обьектига ёки унинг алохида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хуқуқига эга бўлмайди.

56. Мазкур шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, хақиқий хисобланади.

57. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

58. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга хақ тўлашни кечиктиришга хақлидир.

59. Мазкур шартноманинг жорий нархлардаги келишилган суммаси меъёрий-конун хужжатларига Қ.Қ.С. тўғрисида ўзгартиришлар киритилса қайта куриб чиқилади.

60. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча холлар учун амалдаги конун хужжатлари қўлланилади.

61. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-594 сонли Қарорига асосан Ғазначиликда рўйхатдан олингандан кейин қонуний кучга киради.

62. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

63. Мазкур шартнома «31» «декабр» **2022 йилгача** амал қилади.

## XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

| БУЮРТМАЧИ: | ПУДРАТЧИ: |
|---|---|
| Номи: Урганч шахар Мактабгача таълим булими марказлашган бухгалтерия хизмати<br>Манзили: Хорезмская область, Урганч шахар Шерозий куча 29 уй Тел: 22-848-52 Факс: 22-848-52<br>СТИР: 305155451<br>Ҳисобрақам: 100022860334017091100251001<br>Буюртмачининг Ғазначиликдаги ҳисобраками:<br>Ғазначилик бўлинмаси номи: СТИРи:201122919<br>Ягона ғазначилик ҳисоби (ЯҒХ):<br>23402000300100001010 | Номи: "Кобул" хусусий корхонаси<br>Манзили: Хорезмская область, Ургенч шахар Жамбул 43-уй.<br>Тел: 919955000 Факс: 919955000<br>СТИР: 201970093<br>Ҳисобрақам: 20208000200521994001<br>Банк: УРГАНЧ Ш.,<br>"УЗСАНОАТКУРИЛИШБАНКИ" АТБ ХОРАЗМ МИНТАКАВИЙ ФИЛИАЛИ<br>МФО: 00440 |

М.Ў. _________ Д.Кувоков (Имзо)

М.Ў. _________ Х.Бекчанов (Имзо)

Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang.

| | |
|---|---|
| Imzolovchi F.I.SH. | DONIYAR KUVAKOV KURVANDURDIYEVICH |
| Imzolangan sana | 07.12.2022 15:26 |
| Hujjat kodi | **XB4604200704** |
| Hulosa kodi | **IG5760676527** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

IG5760676527

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Urganch shahar maktabgacha ta'lim bo‘limi tomonidan 06.12.2022 yilda kiritilgan.

Shartnoma loyihasi amaldagi O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasi 29.08.1998-yildagi 670-I-son “Xo’jalik yurituvchi subektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to’g’risida”gi Qonun va boshqa normativ-huquqiy hujjatlar asosida huquqiy ekspertiza qilindi.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Urganch shahar yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**L.M.BEKMIRZAYEVA**

07.12.2022

Урганч шахар 10 сон мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш буйича ойлар давомида молиялаштириш графиги

сумда

| т/р | Объект номи ва манзили | Хажм бирлигининг киймати | 2022 йил учун молиялаштириш киймати | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | |
| | | | январь | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 1 | Урганч шахар 10 мтт биноси жорий таъмирлаш Урганч ш | 168000000 | | | | | | | | | | | | 168000000 |

М.У
Рахбар________имзо

М.У
Рахбар________имзо

Урганч шахар 10 сон мактабгача таълим ташкилоти биносини жорий таъмирлаш бўйича ойлар давомида ишларни бажариш графиги

сумда

| т/р | Объект номи ва манзили | Хажм бирлигининг киймати | 2022 йил учун молиялаштириш киймати | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | |
| | | | январь | феврал | март | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 |
| 1 | Урганч шахар 10 мтт биноси жорий таъмирлаш Урганч ш | 168000000 | | | | | | | | | | | | 168000000 |

М.У Рахбар ________ имзо

М.У Рахбар ________ имзо

"D" "QOBUL" XUSUSIY KORXONASI